

**«O'ZPARTAMPONAJ» АЖ**  
Акциядорларининг 2020 йил « 30 » сентябрдаги  
умумий йиғилиш қарори билан  
**«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»**  
М.Ў.

**«O'ZPARTAMPONAJ»**  
**акциядорлик жамиятининг**  
**«ЯККА ТАРТИБДАГИ ИЖРОИЯ ОРГАНИ-**  
**ДИРЕКТОРИ ТЎҒРИСИДА» ги**  
**Н И З О М И**  
**(ЯНГИ ТАХРИРДА)**

**Акциядорлик жамиятининг якка тартибдаги ижроия органи -  
директори тўғрисидаги  
НИЗОМИ**

**I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

**1.1.** Мазкур Низом «Ўзпартампонаж» АЖ якка тартибдаги ижроия органи - директорнинг мақомини белгилайди ва унинг ишини, тайинлаш тартибини, шунингдек ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади. Якка тартибдаги ижроия органи - директор деганда якка бошчилик қиладиган ижро этувчи орган, ёлланадиган тижорат ташкилоти (бошқарувчи ташкилот) ёки якка тадбиркор (бошқарувчи) тушунилади. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра якка тартибда ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича, шу жумладан танлов асосида тижорат ташкилотига (бошқарувчи ташкилот ёки якка тартибдаги тадбиркорга (бошқарувчига) берилиши мумкин. Агар жамият уставида ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

**1.2.** Низом «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва «Ўзпартампонаж» АЖ акциядорлик жамиятининг “Устави”га мувофиқ ишлаб чиқилган.

**II. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ ЯККА ТАРТИБДАГИ ИЖРОИЯ ОРГАНИНИ -  
ДИРЕКТОРИ ТУЗИШ ТАРТИБИ**

**2.1.** Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш якка тартибдаги ижроия органи - директор (кейинчалик директор деб айтилади) томонидан амалга оширилади.

Акциядорлик жамияти директорини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бунда директор жамият кузатув кенгаши томонидан сайланади (тайинланади).

Жамият номидан жамиятнинг директори билан меҳнат шартномасини жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади.

Директор жамият жорий фаолияти бошқаради.

**2.2.** Кузатув кенгаши томонидан тайинланадиган директор ваколатлари муддатидан илгари тугатилган тақдирда, жамият кузатув кенгаши қарори билан белгиланган шахс унинг вазифаларини янги директор тайинланишигача бўлган даврда вақтинча бажариб туришига йўл қўйилади.

**2.3.** Жамият директори акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил қилади.

**2.4.** Жамият директорининг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш кузатув кенгашининг қарорига биноан амалга оширилади.

**2.5.** Жамиятнинг директорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари «Акциядорлик жамиятлари ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, бошқа қонун ҳужжатлари, жамият устави томонидан ҳамда у билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги) тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартномани кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс имзолайди. Жамиятнинг директори акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши олдида жамиятнинг йиллик бизнес режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан берадиган ҳисоботлари даврийлиги назарда тутилиши лозим.

**2.6.** Жамиятнинг директорига тўланадиган меҳнат ҳақи ва бошқа ҳақлар миқдори жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, шартномада белгиланиши керак.

Директорга тўланадиган ҳақи ва (ёки) компенсациялар миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.07.2015 йилдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида” ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгиланади.

**2.7.** Жамиятнинг директори вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

**2.8.** Кузатув кенгаши директори билан тузилган шартномани у шартнома шартларини бузган тақдирда бекор қилишга ҳақлидир.

**2.9.** Кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани, агар шартнома тузишда у жамият уставини қўпол тарзда бузишга йўл қўйган бўлса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

**2.10.** Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият директорининг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият директорининг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаши мумкин.

**2.11.** Жамият директорини тасдиқлаш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масалаларини жамиятнинг кузатув кенгаши ҳал этади.

### **III. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРИНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ ВА ТАРКИБИ**

**3.1.** Жамиятнинг директори ваколатига жамиятнинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, Акциядорларнинг умумий йиғилиши мутлоқ ваколатига ёки Кузатувчи кенгашнинг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

**3.2.** Ижро этувчи органнинг сон таркиби бошқарув вазифалари бир ходим томонидан имкони борича кўп бажарилиши, бошқарув аппаратини қисқартириш, ишлаб чиқаришни бошқаришда бир-бирини такрорловчи бўғинларнинг тугатилиши ва у билан боғлиқ бошқарув ҳаражатларининг қисқариши принципларидан келиб чиқиб белгиланади.

**3.3. Жамиятнинг якка тартибдаги ижроия органи директор ҳисобланади.**

**3.4.** Директор лавозим йўриқномаси томонидан белгилаб берилган ваколатлар, у билан тузилган меҳнат контракти шартлари, Акциядорларнинг умумий йиғилиши, жамият Кузатувчи кенгашининг қарорлари ва кўрсатмалари доирасида иш тутади.

Жамиятнинг директорини моддий рағбатлантириш жамият фаолияти самарадорлигига қараб амалга оширилади.

### **IV. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРИ**

**4.1.** Директор акциядорлик жамияти фаолиятининг барча масалаларини мустақил равишда ҳал қилади. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар бундан мустасно.

**4.2. Директорнинг ваколатлари:**

- Жамият Устави ва Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этиш;

- директор жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- жамият номидан битимлар тузиш, жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини, ҳамда жамиятни таркибига қурувчи “Вухого О'қув курси kombinati” нодавлат таълим муассасаси раҳбарини тайинлаш;

- штатларни тасдиқлаш, Жамият ходимларини ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлаш;

- жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- уз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф

активлари миқдорининг ун беш фоизигача бўлган миқдорида, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнидаги тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш.

#### **4.3. Директор қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари ҳамда меҳнат шартномаси билан директор ваколатига юклатилган жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш бўйича барча масалаларни мустақил ҳал этиш;

- акциядорлик жамияти номидан ишончномасиз иш юритиш, бошқа ташкилотлар ва органлар билан бўлган ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ифодалаш;

- акциядорлик жамиятининг Устави ёки бошқа ҳужжатлари билан олдиндан келишган доираларда унинг мол-мулки ва пул-маблағларини тасарруф қилиш;

- шартномалар ва контрактлар, шу жумладан меҳнат шартнома (контракт)лари тузиш;

- ишончномалар бериш;

- банкларда ҳисоб-китоб (счёт)лари ва бошқа (счёт)лар очиш;

- ўзига бўйсунувчи барча ходимлар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар бериш;

- ходимлар штатини тасдиқлаш, уни бутлаш;

- жамоа музокараларида Жамият номидан иштирок этиш ва жамоа шартномаларини тузиш;

- Жамият ходимларини моддий рағбатлантириш;

- ўз ваколат доирасида ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолият масалалари бўйича буйруқлар чиқариш;

- Жамият ходимлардан ички меҳнат тартиби, ҳамда жамиятда амал қилаётган бошқа қоида ва тартибларга, шунингдек меҳнат шартномасига риоя қилишни талаб қилиш. Жамият ходимлари томонидан меҳнат интизомини бузган ҳолатларда уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш;

- ходим билан меҳнат шартномаси расмийлаштириш вақтида унинг учун Жамиятнинг хизмат ва тижорат сири деб белгиланувчи ахборотларнинг ҳажми ва таркибини белгилаш;

- мазкур Устав ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқлар.

#### **4.4. Жамият директорининг мажбуриятларига қўйидагилар қиради:**

- Жамият бўлимлари фаолиятини бошқариш, жамиятнинг ишлаб чиқариш-техник хизматларига юклатилган топшириқларни муваффақиятли бажариш. Жорий ва истикболли юк ташиш режаларининг ишлаб чиқилишини бошқариш, автотранспортларнинг техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш режа-жадвалларининг ва бошқа ишлаб чиқариш-техник хизматларнинг иш-режаларининг тайёрланишига раҳбарлик қилиш;

- меҳнат ва техник интизомига (ички меҳнат тартиби қоидалари, устав ва интизом тўғрисидаги низом ва қоидалар) риоя қилиш;

- барча йўналишлар бўйича ишлаб чиқаришнинг истикболли ривожланиш ва техник сиёсатни белгилаб бериш;

- ISO 9001:2008 халқаро стандартларга асосланган сифат менеджменти тизимини жорий қилиш, унинг ишини ташкиллаштириш ва яхшилаш бўйича бевосита фаол иштирок этиш;

- бажариладиган ишлар ва хизматлар сифатини ошириш, ва ички сифат текширувларининг йиллик режасини ишлаб чиқиш ишларига бошчилик қилиш;

- сифат менеджменти тизимини баҳолаш учун мезон ва йўналишларни ҳамда мезонларни баҳолаш бўйича саволлар рўйхатини белгилаб бериш;

- қонунчилик талабларига риоя қилиб, пеня ва жарималарни ҳисобга олган ҳолда турли хилдаги шартнома, битим ва келишувларни тузиш ва имзолаш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришнинг самарасини ва рентабеллигини ошириш, хизматларнинг таннархини камайтириш, меҳнат ва молия ресурсларининг моддий харажатларини камайтирган ҳолда катта самарадорликка эришиш орқали жамиятнинг, молиявий фаолиятини ташкиллаштириш ва такомиллаштириш;

- жамият фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини режалаштирилишини такомиллаштириш бўйича ишларни амалга ошириш;

- жамиятнинг ривожланиш программаси ва бизнес режасининг ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш ва унинг ижросини назорат қилиш;
- жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларнинг ишончилиги ва тегишли ҳолатини ташкиллаштиришни, йиллик ҳисоботларнинг ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли органларга ҳамда жамиятнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг ўз вақтида тақдим этиш;
- жамият тизимидаги бўлинмалари ва ҳамкор корхоналар билан ўзаро ҳамкорли ва самарали ишни ташкиллаштириш;
- жамият молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг рационалигини ташкил қилиш ва таъминлаш;
- жамиятни тегишли ихтисос ва мутахассислик даражасига эга бўлган ва талаб этилаётган касб хунар ва малакага эга бўлган ишчи хизматчи кадрлар билан таъминлаш ишларини олиб бориш;
- барқарор ва самарали ишини таъминлаган ҳолда ўз ваколати доирасида жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг мутлоқ ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно;
- жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши и кузатув кенгашининг қарорларини бажарилишини ташкиллаштириш;
- йиллик бизнес-режанинг бажарилишининг бориши тўғрисидаги чораклик ҳисоботларнинг ва унинг ваколатига кирадиган ишларнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботларни акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгаши белгиланган муддатларда тақдим этиш;
- лавозим йўриқномаси, меҳнат шартномаси ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ ўз ваколат доирасига кирадиган бошқа масалаларни ҳал қилиш.

**4.5.** Шу билан бирга, жамиятнинг Бошқарув ваколатига қуйидаги масала киреди:

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санадан олдинги ҳисобот санасига тузилган молиявий ҳисобот бўйича жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигача ташкил этса, акцияларни ва бошқа кимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

**4.6.** Жамиятнинг директорини сайлаш (тайинлаш) ҳамда унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш жамият Кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.

**4.7.** Жамият директори ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишлича қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда улар билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади. Шартнома жамият номидан жамият кузатув кенгашининг раиси ёки кузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Жамиятнинг директори билан тузиладиган шартномада уларнинг жамият фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда жамиятнинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва жамият кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисоботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

**4.8.** Жамиятнинг директорига тўланадиган ҳақ миқдори, жамият фаолиятининг самарадорлигига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланган бўлиши керак.

Жамият директори хизматидаги ҳақ тўлаш ҳамда ҳақ ва компенсацияларнинг миқдори жамиятнинг “Ижроия органи тўғрисида” ги Низомда белгиланади.

**4.9.** Жамиятнинг директор вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргаликда эгаллаб туришга фақат жамият кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

**4.10.** Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани агар директор томонидан шартнома шартлари бузилган тақдирда тугатишга (бекор қилишга) ҳақли.

**4.11.** Жамият кузатув кенгаши жамиятнинг директори билан тузилган шартномани, агар директор жамият уставини қўпол тарзда бузса ёки директорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли жамиятга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳуқуқига эга.

**4.12.** Жамият кузатув кенгаши томонидан жамият директори (хорижий менежер) ваколатларини

тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, жамият директорининг (хорижий менежер) ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд жамият директори (хорижий менежер) вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш мумкин.

**4.13.** Жамият ижроия органи фаолиятини ташкил этиш конун ҳужжатлари, мазкур Устав ва “Жамият яқка тартибдаги ижроия органини - директори тўғрисида”ги Низомга асосан тартибга солинади.

## **V. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРНИНГ ИШ ТАРТИБИ**

**5.1.** Акциядорлик жамияти директори жамият бизнес-режасини ижросини таъминлаш бўйича зарур ҳолларда, бироқ бир ойда камида бир марта жамиятнинг асосий ишлаб-чиқариш булимлари ҳамда маъмурият ходимлари иштирокида мажлис ўтказилади. Директор томонидан Кузатувчи кенгаш ёки Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун киритилган масалалар мажбурий тартибда акциядорлик жамиятининг директори мажлисида олдиндан муҳокама этилади. Акциядорлик жамияти директори фикри ҳақида Кузатувчи кенгашда ва Акциядорларнинг умумий йиғилишида директор ёки у томонидан ваколат берилган шахс ахборот беради ва ҳимоя қилади.

**5.2.** Акциядорлик жамияти директори қабул қилган қарорлардан кўчирмалар:

- мажбурий тартибда Кузатувчи кенгаш раҳбарига ва тафтиш комиссияси раҳбарига;
- бошқа мансабдор шахслар ва аудиторларнинг талабига кўра фақат директорнинг рухсати бўйича;
- амалдаги конун ҳужжатлари томонидан назарда тутилган ҳолларда бошқа шахсларга ва органларга (шу жумладан давлат органларига) берилади.

## **VI. АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ДИРЕКТОРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

**6.1.** Агар директор акциядорлик жамияти томонидан тузилган битимдан молиявий манфаатдор бўлган тақдирда, қарор қабул қилинганда ўзининг манфаатдорлиги тўғрисида хабар беришга мажбур ва овозга қўйилганда қатнашмайди.

**6.2.** Директор хизмат мавқеи билан берилган ҳуқуқлардан ўзи меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадлари манфаатлари йўлида фойдаланмаслиги керак.

**6.3.** Акциядорлик жамияти директори акциядорлик жамияти мол-мулкни тасарруф қилишдан шахсий фойда кўриш бўйича ҳаракатларга йўл қўймаслиги керак.

**6.4.** Директор раҳбарлик даврида фаолияти акциядорлик жамияти маҳсулотларини сотиш ёки хизматлар тақдим этишда қийинчилик келтириб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ёки таъсис этишда қатнашиш ҳуқуқига эга эмаслар. Директор акциядорлик жамиятида лавозимга тайинланганда худди шундай корхоналардаги ўз иштирокини тўхтатиши ва бу тўхтатиш тўғрисида акциядорлик жамияти Кузатув кенгашини хабардор қилмоғи лозим.

**6.5.** Акциядорлик жамияти директори ўз вазифаларини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида жамиятига етказилган зарар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатларига ва жамият Уставига мувофиқ акциядорлик жамиятига етказилган зарарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида акциядорлик жамияти олдида жавоб беради.

**6.6.** Жамият директори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

**6.7.** Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг директори устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

## **VII. ЖАМИЯТ ДИРЕКТОРИ МЕХНАТИГА ҚЎЙИДАГИ ҲАҚ ТЎЛАШЛАР КЎЗДА ТУТИЛГАН.**

**7.1.** Директор меҳнатига ҳақ тўлаш доимий ва ўзгарувчан қисимлардан таркиб топади.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгармас қисми қўйидагиларни ўз ичига олади:**

**Асосий белгиланган иш ҳақи** - бу иш ҳақи таркибидаги пул тўлови миқдори бўлиб, компенсация тўловлари, рағбат ва ижтимоий тўловларсиз белгиланган вақтда директорга меҳнат мажбуриятларини бажарганлик учун ишчига тўланадиган тўлов бўлиб, бу “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан ўрнатилган ягона тариф тизими бўйича тегишли тоифа орқали тартибга олинади.

**Ишланмаган вақт учун ҳақ тўлаш** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 175-моддасида кўрсатиб ўтилган, тегишли тартибда амал қиладиган тўлов бўлиб, улар қуйидагилар:

- йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътидан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш;

- ноқулай ва ўзига хос меҳнат шароитларида, шунингдек оғир ва ноқулай табиий-иқлим шароитларида ишлаганлиги учун айрим тармоқларнинг ходимларига бериладиган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

- меҳнат лаёқатини вақтинча йўқотган ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш;

**Компенсация тўловлари** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 174-моддасида кўрсатиб ўтилган, улар жумласига қуйидагилар киради:

- табиий-иқлим шароитлари ноқулай бўлган жойлардаги ишлар билан боғлиқ қўшимча тўловлар (иш стажи учун устамалар, баланд тоғли, чўл ва сувсиз ҳудудларда ишлаганлик учун белгиланган коэффициентлар бўйича тўловлар);

- хизмат сафарлари вақтидаги қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча кундалик харажатлар учун ҳақ (суткалик пуллар);

- озик-овқат ва йўл чипталарининг қиймати ёки озик-овқат ва йўл чипталарининг қийматини қоплаш.

**Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми қуйидагиларни ўз ичига олади:**

**Рағбатлантириш хусусиятига эга тўловлар** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 173-моддасида кўрсатиб ўтилган, улар жумласига қуйидагилар киради:

“Ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичлари бўйича “О’зpartamponaj” АЖнинг раҳбар ходимлари ва ижро органи хизматчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низом асосида рағбатлантиришлар;

“О’зpartamponaj” АЖ раҳбар ходимлар ва бошқа ишчиларини иккиламчи кора ва рангли метал тайёрлаш (топшириш) бўйича топшириқларни бажарганлик учун рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан рағбатлантириш;

Махсус рағбатлантириш тизими ва алоҳида муҳим топшириқларни бажарганлиги бўйича мукофотлар;

“О’зpartamponaj” АЖ бўлинмалари ишчилари ва ижро аппаратини ишлаб чиқариш жароҳатларисиз, авариясиз, ёнғинсиз ва касб касалликларисиз олиб борган ишлари учун рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан рағбатлантириш;

Кўп йил ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар “О’зpartamponaj” АЖ “ишчи ва ходимларининг кўп йиллик ишлаганлик учун пул мукофоти ва тўловлар тугрисида”ги амалдаги низом асосида;

Давлат байрамлари муносабати билан рағбатлантириш;

Жамиятнинг жамоат шартномасининг 9.7 бандига асосан таътилга қўшимча тўлов;

“Иш яқунлари натижалари бўйича ишчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассисларни моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низомга асосан қўшимча ҳақлар;

“О’зpartamponaj” АЖ ишчилари, раҳбар ходимлари ва мутахассислари томонидан ишда эришилган ютуқлар бўйича рағбатлантириш тўғрисида”ги амалдаги низом асосида рағбатлантириш.

**Моддий наф тарзидаги даромадлар** - Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 177 моддасида кўрсатилган тўловлар:

- юридик шахс томонидан жисмоний шахс манфаатларини кўзлаб, товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини, мулкый ҳуқуқларни тўлаш, шу жумладан:

- жисмоний шахсларнинг болаларини мактабгача таълим муассасаларида ўқитиш, тарбиялаш;

- коммунал хизматлар, ходимларга берилган уй-жой ҳақини, уй-жойдан фойдаланиш харажатлари ҳақини, ётоқхонадаги жойлар ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

- санаторий-курортларда даволаниш йўлланмалари қийматини, дам олиш, стационар ва амбулаторияга қатнаб даволаниш ҳақини ёки уларнинг ўрнини қоплаш қийматини тўлаш;

- юридик шахснинг жисмоний шахс даромади бўлган бошқа харажатлари.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўзгармас қисми ҳақиқатда бир ой давомида ишланган соатлар ва амалда

бўлган норматив ҳукуқи ҳужжатлар асосида ҳисобланади.

Директорнинг меҳнатига ҳақ тўлашнинг ўзгарувчан қисми директорнинг ҳар чораклик ҳисоботи асосида кузатув кенгаши томонидан чиқарилган қарор бўйича ҳисобланади.

Директорнинг меҳнاتини ўзгарувчан қисмига ҳақ тўлашни рағбатлантириш бўйича белгиланган муддатларда қарор қабул қилиш учун директор режавий кўрсаткичларини ҳисобот даврида бажарилиши бўйича кузатув кенгаши олдида ҳисобот беради.

Директор хўжалик фаолиятининг асосий натижалари бўйича рағбатлантириш барча прогноз кўрсаткичлари бажарилишига пропорционал боғлиқ ҳолда тўланади.

Бизнес-режада назарда тутилган моддий рағбатлантириш миқдори жамиятда амалда бўлган норматив ҳужжатларга асосан директорга тўланадиган тўловлар белгиланган бўлиб, мазкур тўловлар ҳар чоракда самарадорлик кўрсаткичлари асосида тўланади.

Жамият локал ҳужжатларида (жамоа шартномаси) кўзда тутилган рағбатлантириш тўловлари директорга нисбатдан тадбиқ қилинмайди.

Жамият директорининг меҳнат таътилига тўланадиган қўшимча тўлов (доплата к отпуску) меҳнат шартномасида кўзда тутилган бўлади, моддий ёрдам тўлови эса директор аризасига асосан кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

Жамиятда амалда бўлган норматив ҳужжатларда назарда тутилган директор фаолияти самарадорлиги куйидагича эътироф этилади:

- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 40 фоиздан кам бўлса- қониқарсиз;
- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 40 фоиздан 60 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса-паст даражада;
- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 60 фоиздан 80 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса-етарли даражада эмас;
- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 80 фоиздан 90 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса-ўртача даражада;
- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 90 фоиздан 100 (ушбу даража ҳам киради) фоизгача бўлса-етарли даражада;
- СЙК (Самарадорликнинг йиғинди кўрсаткичи) миқдори 100 фоиздан ошса-юқори даражада.

Жамият директори фаолияти самарадорлигини баҳоламасдан ёки директорнинг фаолияти қониқарсиз ёки паст даражада деб эътироф этилган тақдирда устамалар белгилашга, мукофот пули ва бошқа моддий рағбатлантиришлар тўлашга йўл қўйилмайди.

Директорга жамият корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларига кўра куйидиги шартлар бажарилган тақдирда қўшимча рағбатлантириш (мукофот) пули тўланади:

- агар бошқарув тизими қониқарли баҳоланса - жамият директорига йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базовий ҳисоблаш миқдорининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида мукофот тўланади;
- агар бошқарув тизими юқори баҳоланса - жамият директорига йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) базовий ҳисоблаш миқдорининг 50 (эллик) баравари миқдорида мукофот пули тўланади.

Директорнинг самарадорлиги кетма-кет икки чорак мобайнида қониқарсиз ёки паст даражада (ҳар қандай уйғунликда) бўлса, бу директор билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқишга олиб келади.

Ишлаб чиқаришда бахтсиз ходисага йўл қўйилганда, директорга рағбатлантириш тўловини 100% тўланмайди.

Ишлаб чиқаришда ижро интизоми паст даражада бўлганда ва юқори турувчи ташкилотларни топшириқларини бажарилиши таъминланмаган ҳолда, директор рағбатлантириш тўловини 50% миқдорида маҳрум қилинади.